
“Ҳоким ва ёшлар учрашуви”

“Ҳоким ва ёшлар учрашуви” тадбири шаҳардаги “Дўстлик” маҳалласи ҳудудида истиқомат қилувчи ёшлар иштирокида ўтказилди.

Учрашувда ДХХ Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи Ш.Хатамов ҳам иштирок этди.

Шаҳар ҳокими ёшлар билан очиқ мулоқотга киришди. Ташаббускор ёшлар ўзларининг банк кредитлари, бандлик, субсидия асосида тикув машиналари олиш, тадбиркорликни бошлаш учун ер ажратиш каби муурожаатлари, таклифлар ҳамда муаммолари билан шаҳар ҳокимига тўғридан-тўғри муурожаат қилдилар.

Қўйилган масалаларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Кредит олиш ва ишга жойлашиш истагидаги ёшларнинг муурожаатлари билан банк ва бандлик мутасаддилари махсус шуғулланиши юзасидан кўрсатма берилди.

Муддат талаб этилувчи муурожаатларни ўрганиб, ҳал этиш юзасидан шаҳар ҳокими соҳа мутасаддиларига тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берди.

2022-05-20 16:10:42